



ПРЕСС-РЕЛИЗ

Мавзу: “Маданий меросни сақлашда архив, музей ва кутубхоналарнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари” мавзусидаги матбуот анжумани

Ўтказиш вақти: 2016 йил 19 август, соат 11:00да

Ўтказилиш жойи: Ўзбекистон Миллий матбуот маркази, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 16-уй

Тадбир ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги

2016 йилнинг 19 августида Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича ўтказиладиган матбуот анжуманларининг ягона режаси”га асосан “Ўзархив” агентлиги томонидан **“Маданий меросни сақлашда архив, музей ва кутубхоналарнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари”** мавзусидаги бугуннинг устувор масаласига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни билан муҳофаза этиладиган тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган маданий ёдгорликлар таркибига кирувчи картография, фотография материаллари, кинофильмлар, аудио, видео ёзувлар, архив, кўлёзма ва чизма ҳужжатларни архив муассаларида тизимли асосда жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш масалалари ва бу борада архив, музей ва кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига асосан “Ўзархив” агентлиги Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фонди (МАФ)да турган маданий мерос ҳужжатли объектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳисобга олиниши, муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланилишини амалга оширади.

Маданий мерос объектлари таркибига Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган мажмуи ҳисобланувчи Миллий архив фондларим ҳам киритилган. Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатлари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланиб, уларни муҳофаза қилиш бўйича “Ўзархив” агентлиги томонидан қуйидаги ишлар тизимли амалга оширилиб келинмоқда:

- МАФ ҳужжатларини илмий-техник жиҳатдан ишлаш ва уларнинг сақланишини таъминлаш;

- МАФ алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларининг эҳтиёт нусхалари яратилишини ташкил этиш;

- архив ҳужжатлари МАФ таркибига киритилган архив фондларининг таркиби, ҳажми, уларнинг тўлдириб борилиши, ҳаракати ва архивларга доимий сақлашга берилишининг тизимли ва марказлаштирилган ҳисобини, назоратини олиб бориш;

- МАФ таркибига киритилган архив фондлари мулкдорлари учун ўз архив фондларининг ҳажми ва таркиби ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш, шунингдек ҳужжатларни архив сақловига топшириш босқичида ҳужжатларни тўғри тартибга келтиришни ташкил этиш;

- Миллий архив фондига тегишли бўлган ахборот ресурсларини сақлашни таъминлайдиган электрон архивларни ташкил этишни ва фаолият кўрсатишини тартибга солиш ҳамда мувофиқлаштириш;

- МАФнинг ахборот ресурслари ва электрон ҳужжатлари ҳимоя қилинишини таъминланиш.

Мазкур ишларни амалга оширишда бугунги кунда “Ўзархив” агентлиги тасарруфида республикада **103 та** давлат архивларида **37 700 дан** ортиқ фонд мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида **12,6** млн. сақлов бирлигида архив ҳужжатлари жамланган. Шундан **8,6** млн. сақлов бирлигини Миллий архив фонди ҳужжатлари ташкил этади. **10 000** дан ортиқ идоравий архивларда **1,2** млн. сақлов бирлигида Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланмоқда.

Архив муассаларидаги **5 886** та шахсий фондда **374 907** сақлов бирлигидаги ҳужжатлар мавжуд.

Маданий меросни сақлаш ва улардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида бугунги кунга қадар республикамизнинг барча ҳудудида **22 та** янги давлат архиви бинолари қуриб, фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари, **5 та** давлат архиви биноси тўлиқ реконструкциядан чиқарилди. Энг муҳими, улар замонавийлиги, энг илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани жиҳатидан ажралиб туради. Амалиётга изчиллик билан татбиқ этилаётган шу каби саъй-ҳаракатлар туфайли давлат архивларининг сифимдорлиги **2,5 миллион** сақлов бирлигига ортиб, йилдан йилга маданий меросимиз бойитилиб борилмоқда..

2008 йилдан бошлаб барча давлат архивларида ҳужжатларнинг “умри”ни узайтириш мақсадида алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишларига киришилди. Ҳозирга қадар **417 минг** сақлов бирлигидан ортиқ, шу жумладан **3,6** миллион қоғоз асосдаги, **205** минг фото, **1600** кино, **2400** фоно архив ҳужжатларининг электрон нусхалари яратилиб, жами давлат архивларида сақланаётган алоҳида қимматли ҳужжатларнинг **35 фоизи** электрон форматга ўтказилди.

Архив муассасалари томонидан кутубхона ва музейлар билан ўзаро ҳамкорлик тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси музейларида сақланаётган шиша асосдаги фотопластинкаларни рақамлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. 2014 йилдан буён шу кунга қадар **14 000** сақлов бирлигидаги шиша асосдаги фотопластинкалар рақамлаштирилди. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси томонидан ташкил этиладиган “Central Asia” халқаро конференциясида архив ходимлари соҳага оид долзарб масалаларга бағишланган маърузалари билан иштирок этиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда хорижий мамлакатлардан **9 та** кино ва **2,5 мингдан** ортиқ тарихий, илмий, сиёсий, маданий ҳужжатларнинг нусхалари олиб келинди. Қолаверса, Агентликнинг махсус буйруғи асосида ҳар бир хорижга хизмат сафарида бўлган ходим борган шаҳардаги давалат архивини ўрганиб, уларнинг тажрибаси билан танишиб келиши амалиётга киритилди.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, “Ўзархив” агентлиги томонидан жорий йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви сақловида бўлган Хива хони девонхонаси

(Канцелярия Хивинского хана) фондининг **1200** дан ортиқ алоҳида қимматли хужжатларини киритиш жараёни амалга оширилмоқда.

Тадбирни ёритишда яқиндан ёрдам берган оммавий ахборот воситалари вакилларига “Ўзархив” агентлиги томонидан миннатдорлик билдирилади.

“Ўзархив” агентлиги Ахборот хизмати

Тел.: (+99871) 277-11-68, (+99893) 594-44-74 факс: 277-13-35, www.archive.uz